8.2Шартномага киритиладиган хар кандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда бўлиб, хар иккала томон имзолагандан кейингина хакикий хисобланади.
8.3.Ушбу шартнома 2 нусхада тузилди ва тенг хукукий кучга эга.
8.4.Шартнома томонлар ўртасида имзоланган ва агар «Истеъмолчи» бюджет ташкилоти бўлса, бунга қўшимча равишда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг худудий газначилигидан рўйхатдан ўтган кундан кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал килади.

9. Нефт махсулотларини етказиб бериш тафсилотлари

Нефт махсулотининг номи, русуми	Ўлчов бирлиги	Нархи	Йиллик миқдори	Суммаси	Шу жумладан чораклар бўйича			
					I	II	III	IV
Бензин	тн	7000	2142	14994000				

10.ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

"СОТУВЧИ"

"Қарши нефт базаси" МЧЖ
Қарши шаҳри Шайх Али кўрғони

ИНН: 200672124 МФО: 00432
ОКОНХ: 80190
Х/р: 20210000100530160001
Ўз Саноат Курилиш банк
Яшнобод филиал

Директор в.в.б: О.Рўзиев

"ИСТЕЪМОЛЧИ"

Н.Бойтўраев

Искандаров Г.Р.
27.01.2022 йил

НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИНИ ТЎГРИДАН-ТЎГРИ СОТИШ ТЎГРИСИДА 69- сонли ШАРТНОМА

2022 й. "27" январь — Қарши ш.

Кейинги ўринларда "Сотувчи" деб аталувчи "Қарши нефт базаси" масъулияти чекланган жамияти номидан Низом асосида фаолият юритувчи директор в.в.б О.Рўзиев бир томондан ва «Истеъмолчи» деб аталувчи Руслан Хожиметов номидан низом асосида иш юритувчи Н.Бойтўраев иккинчи томондан, ушбу шартномани қуйидагилар хакида тузилар.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

a. «Сотувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси асосида тегишли русум ва миқдордаги нефт махсулотларини қуюш ва юклаб бериш. «Истеъмолчи» эса етказиб берилган нефт махсулотларини кабул килиб олиш ва хакини тўлаш мажбуриятларини ушбу шартномала келишилган шартларда бажаришни ўз зиммаларига оладилар.

b. Томонлар ўзаро келишилган холда маълум давр (ойлик, чораклик ёки йиллик давр) учун етказиб берилиши кўзда тутилган нефт махсулотлари турлари, ассортиментлари ва миқдорларини ушбу шартноманинг 1-иловасидаги спецификация оркали белгилаб оладилар.

Спецификация маълумотларидан томонлар ўз шартномаси мажбуриятларини бажаришда, жумладан «Истеъмолчи» буюртмаларни шакллантиришда, «Сотувчи» эса нефт махсулотларининг зарур захирасини оладиган яратишни режалаштиришда фойдаланиладилар.

2. НЕФТ МАХСУЛОТЛАРИ НАРХЛАРИ ВА ХИСОБ – КИТОБ ТАРТИБИ

2.1.Шартномаининг умумий тахминий суммаси 14994000 (ун тўрт миллион тўқиз юз тўқсон тўрт минг) сўмни ташкил қилади.

2.2.Етказиб бериладиган нефт махсулотларининг нархлари «Сотувчи» томонидан уларни нефтни кайта ишлаш заводларидан биржа савдолари оркали сотиб олиш ва ташиб келтириш харажатлари хамда сотиш бўйича нефт база устамасидан (автобензин ва дизел ёнилгиси бўйича якуний истеъмолчига сотилганда тўланиши лозим бўлган акциз солиги хисобга олинмаган холда) шаклланади.

2.3.«Сотувчи» «Истеъмолчи»нинг буюртмаси олинган захоти етказиб берилиши сўралган нефт махсулотларининг ўша кундаги жорий нархларини унга маълум килади. «Истеъмолчи» мазкур нархлар асосида буюртмаларга нефт махсулотлари партиясининг тегишли хажми учун 100 фоиз олдиндан тўловларни 5 кун ичида амалга оширади. Акс холда «Сотувчи» нефт махсулотлари учун янги жорий нархларни кўллаши мумкин.

2.4. Етказиб бериладиган нефт махсулотлари учун тўловлар «Сотувчи»нинг банкдаги хисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

2.5.«Сотувчи» «Истеъмолчи»га ўз транспорт воситасида нефт махсулотини етказиб берганда транспорт хизмати учун хак тўлайди.